*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил **7 февраль** ЧОРШАНБА

**№ 11** (13064)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2018 йил 10 февралдан бошлаб Исроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.

2. 2018 йил 10 февралдан бошлаб фуқаролари учун Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни назарда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинадиган мамлакатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 июлдан бошлаб электрон кириш визаларини бериш тизими ишга туширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази" ДУК Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий PR-маркази" ДУК этиб қайта ташкил этилсин, унга республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

2018 йил 1 мартига қадар "Миллий PR-маркази" ДУК учун замонавий ва юқори технологик суратга олиш ускуналари, автотранспорт воситалари, шу жумладан, юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган автотранспорт воситаларини сотиб олишни ўз ичига олувчи зарурий моддий-техник базаси яратилишини, шунингдек, ижара тўловисиз зарурий хоналар ажратилишини;

2018 йил 1 апрелига қадар ижодий ва суратга олиш гуруҳларини, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш йўли билан шакллантиришни, шунингдек, уларни таъминлаш ва моддий рағбатлантириш учун зарурий маблағлар ажратилишини;

шакллантирилган ижодий ва суратга олиш гуруҳларининг сценарийлар ва суратга олиш ишлари концепциясини ишлаб чиқиш, республика ҳудудларига ижодий экспедициялар ва хизмат сафарлари, шунингдек, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича материалларни тайёрлайдиган бошқа ижодий гуруҳлар фаолиятини доимий асосда, шу жумладан, аутсорсинг орқали молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг қуйидаги аҳоли қатламлари учун республика ҳудудлари бўйлаб туризм-экскурсия турлари ташкил этилишини кўзда тутувчи "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

таълим муассасалари ўқувчилари учун – таътил даври ва дам олиш кунларида;

ташкилотлар ходимлари учун – дам олиш кунларида, умуммиллий байрамлар ва таътил кунларида, айниқса, туризм мавсуми суст даврда;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун – санаторий-курортларда дам олишдан фаол фойдаланган ҳолда йил давомида;

кексалар, ёш оилалар, фуқаролар йиғинлари фаоллари, хотин-қизлар ва бошқа жамоат бирлашмалари вакиллари учун – туризм мавсуми суст даврда.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

бир ой муддатда Дастурни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда туризм хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг сифат, хавфсизлик ва нархларнинг рақобатбардошлиги мезонларидан келиб чиқиб Дастурда иштирок этиш ҳамда уларнинг Дастурни амалга ошириш доирасида ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини белгиласин;

2018 йилнинг 1 мартига қадар ўзининг расмий веб-сайтида Дастурда иштирок этиш шартлари, туризм-экскурсия дастурларини ташкил этиш механизмлари ҳақидаги, ҳамкор ташкилотчилар ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатлари ҳамда бошқа зарурий маълумотларни жойлаштирсин.

Давоми 2-бетда.

Офарин!

*Тараққиётга юз тутган мустақил Ўзбекистоннинг эртанги куни, келажаги ҳар томонлама етук, баркамол ёшларга боғлиқ. Давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган шарт-шароит, кенг имкониятлар ҳар соҳада билимдон, пешқадам ёшлар сафининг тобора кенгайиб боришига хизмат қилмоқда.*



## ПАРКЕНТЛИК ЎҚУВЧИ ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ИШТИРОКЧИСИ

Не бахтки, шундай иқтидорли ёшлар қаторида вилоятимизнинг изланувчан, интилувчан, тиришқоқ ўқувчилари кўп. Улардан бири паркентлик, аниқ фанларга ихтисослаштирилган 5-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Фарҳод Тоҳиров яқинда физика-математика фанлари бўйича Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро олимпиадада 50 дан ортиқ мамлакатлардан келган ёшлар орасида муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистон ёшларининг салоҳияти, юксак билим ва иқтидорини намойиш этди.

– Фарҳод мактабимизнинг энг иқтидорли ўқувчиларидан, – дейди физика фани ўқитувчиси, мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ҳолимбой Назиров. – У аниқ фанларга қизиқиши билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. Бир неча йиллардан буён фан олимпиадалари туман, вилоят босқичларида ғолиб бўлиб келмоқда. Бу йил эса республикада ғолиб бўлиб, халқаро олимпиадада иштирок этиб қайтди...

– Олтинчи синфдалигимда информатика кабинетида юқори синф ўқувчиларининг компьютерда дастур тузишаётганини кўриб, уларнинг олдидан кетолмай қолдим, – дейди Фарҳод. – Шу кундан бошлаб информатика хаёлимни эгаллаб олди. Устозларим, айниқса, Фаррух Эрматов бу фанни янада қунт билан ўзлаштиришимга яқиндан ёрдам берди.

– Фарҳод информатика фанини чуқур эгаллашга астойдил ҳаракат қилаяпти, – дейди Фаррух Эрматов. – Айниқса, 9-синфдан кейин ҳам шу мактабда ўқишни давом эттираётгани унга қўл келди. У ҳар бир янги мавзуга олдиндан тайёр бўлиб келади. Шу боис, мен ҳам ўз устимда тинимсиз ишлаш, изланиш масъулиятини ҳис этиб тураман. Шундай иқтидорли ўқувчилар билан дарс ўтиш завқи ўзгача бўлади...



Дарҳақиқат, вилоятимизнинг ҳар соҳада пешқадам ёшлари кўп. Яқиндагина футбол бўйича Осиё чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчи ёшлар қаторида вилоятимиз вакиллари ҳам борлигидан фахру ифтихорга тўлган бўлсак, бугун аниқ фанлар бўйича илм-фан чўққиларини эгаллаётган, халқаро олимпиадаларда ҳам муносиб иштирок этаётган Фарҳоддек ўғлонларимиз билан ғурурланаяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам, интилганга, изланганга толе ёр, дейишади. Фарҳоднинг олдида ҳали забт этилмаган янги-янги марралар турибди. Ҳозир у инглиз тилида бемалол сўзлаша олади. Мақсади – келгусида дипломатлик рутбасига эга бўлиш, Ўзбекистондек буюк юртнинг шуҳратини оламга ёйиш. Унинг орзулари рўёбига шубҳа йўқ. Зеро, уни қўллаб турган Ватани, халқи бор.

Лавҳамизни шу ерда якунласак ҳам бўларди. Бироқ, куни кеча Фарҳод учун яна бир қувончли воқеа юз бердики, буни ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Гап шундаки, мактабга вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шукур Бурхонов билан бирга таълим мутасаддилари келиб, Фарҳоджонга ўқиш ва изланишларида улкан зафарлар тилашди ҳамда вилоят ҳокими номидан эсдалик совға тортиқ этишди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Мансур ҲИММАТОВ*
*олган суратлар.*

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

## ТАДБИРКОР «ЮГУРМАЙДИ», ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрда қабул қилган "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг мутлақо янги ташкилий асосларини жорий этишда, давлат ва аҳоли ўзаро ҳамкорлигининг замонавий концепциясини яратишда муҳим аҳамиятга эга тарихий ҳужжат бўлди.*

Таъкидлаш лозимки, "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши соҳани ривожлантириш бўйича муҳим қадам бўлиб, вертикал бошқарувни шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натижада, ушбу марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тага ошди.

Шуни унутмаслик лозимки, эндиликда "ягона дарча" тамойили нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки, бевосита фуқароларга ҳам хизмат кўрсатади. Давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот қилмасдан ҳамкорликни таъминлаш аҳоли учун давлат хизматларини коррупция хавфисиз, тезкорлик билан кўрсатиш имконини беради, фуқароларнинг кундалик ҳаётини жиддий равишда енгиллаштиради, бюрократия ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этади.



Биргина Бекобод туманида ўтган 2017 йил давомида 841 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, шуларнинг 320 таси юридик, 521 таси жисмоний шахслардан иборат эди. Ушбу тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишда ўзига хос янгича тизим билан ёндашишга ҳаракат қилинди.

Давоми 2-бетда.

Муносабат

*Аёл ҳаёт безаги, умримиз мазмуни, дея азалдан қадрлаб келинади.*

## ИШОНЧ ОРТИДАГИ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимиз аҳолисининг деярли 50 фоизини, жумладан, вилоятимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган хотин-қизлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа кўпгина соҳаларда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Аммо, иш жараёнида турли муаммоли ҳолатларга тез-тез дуч келаётганимиз фаолиятимизни тубдан такомиллаштириш, замон талаблари асосида, янгича талқинда олиб боришни тақозо этмоқда.

Давоми 3-бетда.

Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти

Чиноз тумани

### Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

**Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилаётган ободонлаштириш зарбдор уч ойлиги Чиноз туманида ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда.**

Тумандаги 48 та қабристонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Саидғози бува номли қабристонда туман ҳокимлигининг барча ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари фаол қатнашишди. "Маҳалла" жамоат фонди вилоят кенгаши раиси Ҳакимжон Ҳамидов ҳамда вилоят "Нуроний" жамғармаси раиси Сайфулла Асадовлар бу хайрли ишда кўпчиликка ибрат кўрсатишди.

– Ҳамжиҳатликда гап кўп экан, – дейди "Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзура Фатхулина. – Қаранг, ҳар бир иш одамлар ҳамжиҳатлиги билан битади. Агар ҳар шанба-якшанбада шундай ҳашарлар уюштирсак борми, туманимиз обод бўлиб кетади.

**Сурайё АҲМЕДОВА**

Ўрта Чирчиқ тумани

### Дилларга нур улашган танлов

**Ўрта Чирчиқ туманидаги "Туябўғиз" масжидида "Қуръон мусобақаси"нинг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Бутун республикамиз бўйлаб ўтказилаётган ушбу мусобақа жойларда иқтидорли қори ва қорияларни аниқлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳифз ва тиловат йўналишларида ўтказилган "Қуръон мусобақаси"нинг туман босқичида қорилар ўртасида Абдуллоҳ Мойданов, Бекзод Муҳаммадкаримов ва Абдулқуддус Абдусатторов ғолиб бўлди. Аёллар ўртасида эса Гулруҳ Муҳамедова, Руқия Маъруфжонова ва Мастура Ҳотамова мусобақанинг кейинги босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ғолиб ва иштирокчилар диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Отабек ИСРОИЛОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг тузилган халқаро шартномаларини мазкур Фармоннинг талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар:

а) асосий фаолият тури тематик хиёбонлар хизматларини ташкил қилиш бўлган юридик шахсларни улар томонидан тематик хиёбонлар фойдаланишга топширилган кундан эътиборан 3 йил муддатга – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловини тўлашдан;

б) тематик хиёбонлар, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини 2022 йилнинг 1 январига қадар – белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра тематик хиёбонлар, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, техника, хом ашё, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, қурилиш ва бошқа материалларни олиб кириш учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари);

в) туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти субъектларини 2022 йил 1 январга қадар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган:

ҳайдовчи билан биргаликда 8 ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситалари;

дор (осма) йўлларни, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўхшаш объектлар ва иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, аэростатлар (ҳаво шарлари), мотор қайиқ ва квадроцикллар учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олиниб, лицензияга эга бўлган туризм операторларига истисно тариқасида экстремал турларни ташкил қилиш учун двигатель ҳажми 2,4 л. дан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган олиб кирилаётган транспорт воситаларига автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш бўйича алоҳида давлат рақами сериясини татбиқ этган ҳолда ва улардан фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш шарти билан 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш орқали амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорида бож тўловларини тўлашга рухсат этилсин.

Бошланиши 1-бетда.

10. Белгилансинки:

2018 йилнинг 1 январидан эътиборан туризм маҳсулотларини сотиш ва/ёки туризм хизматларини онлайн брон (банд) қилиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг солиққа солинадиган базаси электрон хизматларни, жумладан, электрон тўловлар, брон (банд) қилиш, эквайринг ва бошқа хизматларни, шунингдек, туризм хизматларининг замонавий турларини таклиф қилувчи ихтисослаштирилган интернет-сайтлар ва порталларни йўлга қўйишга йўналтирилган харажатлар миқдорига камайтирилади;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаган ҳолда тегишли сифатдаги уланишни таъминлашлари лозим;

ўз ҳудудида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) ўрнатган хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базаси, шу жумладан, ягона солиқ тўлови бўйича базаси тегишли сифатдаги симсиз уланиш ҳудудини кенгайтириш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш ва интернет-трафикни сотиб олишга йўналтирилган харажатлар миқдорига камайтирилади;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бундай ҳудудларни ташкил этган жойларда 18 кв.м.дан ортиқ бўлмаган ўлчамдаги реклама баннери ёки ромларини ўрнатиш ҳуқуқи беғараз асосда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатларини олмасдан тақдим этилади;

Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларида (Wi-Fi) тақдим этилаётган хизматлар сифатини назорат қилиш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

11. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг меҳмонхоналарни, туташ йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмаларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини очиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси икки ой муддатда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига қуйидаги шартларда кредитлар ажратилиши учун уларга кредит линияларини очсин:

меҳмонхоналар ва туташ йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмалари объектлари учун импорт ускуналар ва технологияларни харид қилиш учун кредит муддати 15 йилни (имтиёзли давр – 5 йил) ташкил қилади. Мақсадли кредит линиясининг маблағлари ҳисобига битта мижоз учун ажратиладиган кредит ҳажми лойиҳа қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

кредитлар ваколатли тижорат банкларининг инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг иқтисодий ва молиявий мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ижобий қарорлари асосида берилади. Бунда, бир қарз олувчига бериладиган кредит миқдори битта инвестиция лойиҳаси учун 10 миллион АҚШ долларидан ошмаслиги лозим.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Dunyo bo'ylab" телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмини ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича бош ахборот ҳамкори сифатида белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўн кунлик муддатда мазкур Фармонни ҳисобга олган ҳолда кириш туризмини ривожлантириш, ички туризмнинг жадал ривожланишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ваколатлари ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармон билан мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири – Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Р. Холмурадов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А. А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 3 февраль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси бой маънавий-маданий меросга, турли-туман тарихий-археологик объектларга, қулай табиий-иқлим шароитига ва кўп тармоқли ижтимоий инфратузилмага эга бўлиб, бу эса туризмнинг турли шаклларини илдам ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратади.

Қисқа вақт ичида республикада туристик соҳани ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини комплекс равишда ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, улар ўз навбатида туризм соҳасидаги янги давлат сиёсатига асос бўлди, туризм соҳасидаги субъектларга аҳамиятли тарзда солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликларини берди.

Шу билан бир қаторда, соҳада бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжудлиги, шу жумладан, хорижий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари секин олиб борилаётганлиги, улар учун электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги, бой ички ва зиёрат туризмлари салоҳиятидан суст фойдаланилганлиги, инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар секин жалб этилаётганлиги сабабли туризм инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари етарлича татбиқ этилмаётганлиги соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Қайд этиб ўтилган масалаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони** қабул қилинди.

Мазкур Фармонда Исроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Европа иттифоқи, Шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларининг ҳамда Ҳиндистон Республикаси, Канада, Янги Зеландия, Америка Қўшма Штатлари каби 39 та мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни кўзда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг 2018 йил 10 февралдан эътиборан соддалаштирилган тартиби киритилди.

Мамлакатнинг туристик, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича ишларни янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази" ДУК Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий PR-маркази" ДУК сифатида қайта ташкил этилди ҳамда унга республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, 2018 йилнинг 1 июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визаларини бериш тизими жорий этилади.

Фармон қабул қилиниши билан республикада "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" номи остида мамлакат бўйлаб таништирув саёҳатлари ва турларини ташкиллаштиришнинг кенг миқёсли дастури ишга туширилмоқда, унинг доирасида бир миллионга яқин фуқароларимиз, шу жумладан, ўқув муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, ишчилар, нафақахўрлар, маҳалла фаоллари, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламлари ҳам мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имконига эга бўладилар.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳмонхоналар, улар бўйидаги йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмаларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун туризм соҳаси тадбиркорлик субъектларига кредит маблағларини ажратиш мақсадида Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит линияларини очиш назарда тутилган.

Асосий фаолияти тематик хиёбонлар хизматларини ташкиллаштиришдан иборат бўлган юридик шахслар тематик истироҳат боғларини фойдаланишга топшириш санасидан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғини ҳамда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари томонидан 2022 йил 1 январгача олиб кирилаётган жиҳозлар, техника, хом ашё, бутловчи буюмлар ва захира қисмлари ва қурилиш материаллари ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган бошқа материаллар божхона тўловларидан озод этилади.

Бундан ташқари, туризм соҳасида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари республика ҳудудига олиб кирилаётган туристик тоифадаги транспорт воситалари ҳамда канат йўли, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа шунга ўхшаш объект ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун жиҳозлар, механизмлар ва захира қисмлари, шунингдек, ҳаво шарлари, аэростатлар, квадроцикллар ва моторли қайиқлар учун 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод этилади.

Фармон билан Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинган лицензияга эга бўлган туризм операторларига истисно тариқасида экстремал турларни ташкил қилиш учун олиб кирилаётган двигатели ҳажми 2,4 л. дан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган транспорт воситаларига автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш бўйича алоҳида давлат рақами сериясини татбиқ этган ҳолда ва улардан фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш шарти билан 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш орқали амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорида бож тўловларини тўлашга рухсат этилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини туризм соҳасига жадал татбиқ этиш мақсадида Фармон билан қуйидагилар назарда тутилган:

2018 йилнинг 1 январидан эътиборан туризм маҳсулотларини сотиш ва/ёки туризм хизматларини онлайн бронлаш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга электрон тўловлар, бронлаш, эквайринг ва бошқа электрон хизматларни татбиқ қилиш, шунингдек, туризм хизматларининг замонавий турларини таклиф қилувчи ихтисослаштирилган интернет-сайтлар ва порталларни йўлга қўйишни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзларини тақдим қилиш;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудлари (Wi-Fi) билан жиҳозлаган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаш билан биргаликда тегишли сифатдаги уланишни таъминлаш бўйича мажбурият қўйилди;

ўз ҳудудида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) ўрнатган хўжалик юритувчи субъектларга тегишли сифатдаги симсиз уланиш ҳудудини кенгайтириш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш ва интернет-трафикни сотиб олишга йўналтирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш;

Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бундай ҳудудлар ташкил этилган жойда беғараз асосда 18 кв.м.дан ортиқ бўлмаган майдондаги реклама баннери ёки ромларини ўрнатиш ҳуқуқини тақдим этиш.

Туну кун намойиш этиладиган "Dunyo bo'ylab" телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмини ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан, қўриқланадиган табиат ҳудудларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича ахборот ҳамкори сифатида белгиланди.

Фармонда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ички ва зиёрат туризмларини жадал ривожлантириш ва уларнинг бой салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш учун янада қулай шароитлар яратади.

## ТАДБИРКОР «ЮГУРМАЙДИ», ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

Уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида марказ қошида "Инфокиоска" ташкил этилиб, у орқали бўлажак тадбиркорлар зарур маълумотлар, қўлланмалар билан таъминланмоқда. Айни пайтда давлат хизматлари паспорти жойлашган стенд, ахборот бурчаги ташкил этилган. Марказга мурожаат қилган шахслар, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга мутахассис ходимлар бириктирилиб, суҳбат ўтказилади, тадбиркорликка оид зарур маълумотлар етказилади. Эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда тадбиркор бўлиш истагида юрган фуқаролар ортиқча оворагарчиликка, сансалорликка дуч келмайди.

Бошланиши 1-бетда.

– Аҳолига имкон қадар тез ва сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз, – дейди биз билан суҳбатда марказ раҳбари Муродқосим Нурматов. – Одамларни рози қилиш учун жойларга чиқиб, ҳудудларнинг ўзида сайёр рўйхатга олишни ташкил этмоқчимиз ва айни бир пайтда электрон мурожаатларни янада кўпайтирамиз. Халқ қабулхонаси билан биргаликда иш олиб бориб, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этмоқчимиз. Бу семинарларга тадбиркорлар, ваколатли идоралар вакилларини ҳам таклиф этиш ниятидамиз.

Бир сўз билан айтганда, янги тизимнинг йўлга қўйилаётгани давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида "фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" деган муҳим тамойилни ҳаётга кенг жорий этиш имконини бермоқда. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган ғоянинг негизида ҳам худди шу жиҳат мужассам, десак янглишмаймиз. Табиийки, Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида тадбиркорларнинг фаоллигини янада ошириш кўп жиҳатдан давлат хизматлари кўрсатишнинг сифат ва самарадорлигини тубдан яхшилашга боғлиқ.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

*Имконият*

## ЭКСПОРТ ҚИЛГАННИНГ ЭРТАСИ БОР

*Аёнки, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва уни ривожлантириш сармоя талаб қилади. Тан олиш керак, авваллари ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар учун банкдан кредит олиш бирмунча мураккаб эди.*



Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан барча банк ходимлари ва тегишли ташкилотлар вакиллари уйма-уй юриб, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида тарғибот тадбирлари, кредит маблағлари ажратилиши тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бордилар. Бу саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Орадан қисқа вақт ўтиб, мамлакатнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони сезиларли даражада ўсди.

Буни Ўрта Чирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туманда жами 1 минг 160 та юридик ва жисмоний шахс тадбиркор сифатида савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда.

– Туманимизда 2017 йилда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларининг 392 таси юридик мақомга эга бўлган фирмалар, 768 таси якка тартибдаги тадбиркорлар, 12 таси юридик шахс бўлмасдан деҳқон хўжалиги ташкил этганлар, 45 таси оилавий тадбиркорлик субъекти ҳисобланади, – дейди Ўрта Чирчиқ тумани "Ягона дарча" маркази раҳбари Севара Ҳошимова.

Тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши туман иқтисодиётини ривожлантириш, энг муҳими, бўш иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорлари, амалдаги ва янгидан қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишларга чек қўйиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

– Яратиб берилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, туяқуш боқишни йўлга қўйдик, – дейди "Sport start" МЧЖ раҳбари Равшан Тўраев. – Мақсадимиз – фаолиятимизни кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш, туяқушларни кўпайтириш, тухумини экспорт қилишдан иборатдир.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ**

Мардлар қўриқлайди, Ватанни!

# БЎЙИ БОБОСИДАН ЎЗГАН ЎҒЛОНЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 январдаги "Ўзбекистон фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг Тошкент вилоятидаги чақирув пунктида катта анжуман бўлиб ўтди.*



Анжуманда сўзга чиққан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар миллий армиямиз минглаб ўғлонлар учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айланганини алоҳида таъкидладилар. Вилоятимиз шаҳар ва туманларидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларга оқ йўл тиланди.

– Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланиб бормоқда, – дейди чинозлик Нодирбек Баҳромов. – Бугун мен учун катта байрам – эгнимда ҳарбийлар либоси, шонли армиямиз аскарлари сафидаман! Аммо, бу кунларга осонликча етиб келмадим. Назарий билимларни эгаллаш ва жисмоний чиниқиш учун анча тер тўкишга тўғри келди. Меҳнатим беиз кетмаганига бугун амин бўлиб турибман. Бундан хурсандман.

– Мен учун ҳам бугун чинакам байрам, – дейди Нодирнинг онаси Шоира Умарова. – Авваллари оналар ўз фарзандларини ҳарбий хизматга кўзларида ёш, кўнгилларида хавотир билан кузатишарди. Чунки фарзандларимиз камситилар, энг оғир ишларга жалб қилинарди. Энди-чи, тамоман акси! Мен ўғлимни ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлди, деган юксак ишонч ва фахр билан кузатмоқдаман. Тўғри, мени ҳам кўзимда ёш. Лекин бу – қувонч ёшлари.

Кузатиш маросимида ҳарбий хизматга отланган ўғлонларга эсдалик совғалари топширилди, байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. "Ой бориб, омон қайтинглар!", деган эзгу ният кузатувчиларнинг якдил дуосига айланди.

**Саид МУҚИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.*

Муносабат

# ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ – ҲАР ИШДА МАДАД

*Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилини кўтаринки руҳда бошладик. Биз тадбиркорлар учун яратилаётган шароит, имкониятлардан унумли фойдаланиб, самарадорликни ошириш йўлида изланишдамиз. Зеро, ўз фаолиятимиз давомида доимо давлатимиз эътибори, рағбатини ҳис этиб келмоқдамиз.*

Яқинда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон хотин-қизлари, тадбиркор аёллари ҳаётида муҳим бурилиш ясайдиган яна бир Фармони эълон қилинди.

Ушбу ҳужжат билан танишар эканман, ундаги ҳаққоний фикр ва таъкидлар мени чуқур ўйга толдирди. Аввало, ҳар қандай аёл оиласидан кўнгли тўқ, хотиржам бўлса, давлат ва жамоат ишларида ҳам талаб даражасида фаолият юритади. Ҳужжатдаги оилани мустаҳкамлаш борасидаги асосли фикр-мулоҳазалар, кўрсатмалар барчамизни ўйлантириши зарур. Қолаверса, "Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш фонди"нинг ташкил этилишини жуда катта ғамхўрлик деб қабул қилишимиз керак. Яъни, хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатишда, уларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этиши ва бу борадаги билим ва кўникмаларни эгаллашида кўмаклашиш ишларига камарбаста бўлмоғимиз лозим.

Ўз ўрнида таъкидлаш керак, Фармонда белгиланган ҳар қандай вазифа ижросида жонбозлик кўрсатганлар пировардида муносиб эътибор ва рағбат топади. Зеро, унинг 17-бандида айтилганидек, жамият ва давлат ҳаёти ривожига ҳисса қўшган ҳар бир хотин-қиз "Мўътабар аёл" сифатида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади.

**Раъно БОБОЕВА,**
**тадбиркор**
*Янгийўл тумани*

# ИШОНЧ ОРТИДАГИ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Бу борада ҳар соҳада оқилона сиёсат юритиб, изчил ислоҳотлар олиб бораётган мамлакатимиз раҳбарининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз, аёллар, хусусан, хотин-қизлар қўмиталари раислари учун муҳим дастуриламал бўлди.

Шунингдек, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнида "хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис" лавозими жорий этилиб, хотин-қизлар қўмиталари тузилмасига ўтказилиши, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази фаолияти мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириш, оилалар соғлом ва мустаҳкамлигига марказ раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгиланганини бизга билдирилган катта ишонч ва шу билан бирга юксак масъулият, деб биламан. Қолаверса, қизларимизнинг иқтидор ва истеъдодини янада юксалтириш, ўзларига бўлган ишончини орттириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танлови бўйича белгиланган янги тартиб-қоидалар кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди. Зеро, танловда энди фақат 14 ёшдан 22 ёшгача эмас, балки 30 ёшгача қатнашиш имкони яратилгани унинг қамровини беқиёс кенгайтириш баробарида иқтидорли қизларнинг изланиш, интилишларига яна бир мустаҳкам замин бўлиши шубҳасиз.

Айниқса, Фармоннинг 9-бандида таъкидланганидек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" маркази вакилларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этишга йўл қўйилмаслиги бу ташкилотлар мутасаддилари, ходимларининг ўз вазифасини талаб даражасида бажаришига имкон беради.

Демак, фаолиятимиз давомида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган ёки ногиронлиги бўлганларга алоҳида эътибор қаратиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, хотин-қизлар жиноятчилигига сабаб бўлаётган барча ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

**Моҳира ХЎЖАЕВА,**
**Қибрай тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда.

Нуқтаи назар

*Мамлакатимизда жамиятнинг демократик асосларини янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳаётбахш ислоҳотлар жараёни давом этмоқда. Давлат органлари фаолиятини бевосита халқ назорати остига олиш, барча бўғиндаги ҳокимият органлари ва аҳоли мулоқотини йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.*

# ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимизнинг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари ҳудудларда йиғилиб қолган ва ечилиши керак бўлган долзарб муаммоларни аниқ кўрсатиб берди. Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилояти туман ва шаҳарларига бевосита бориб, чинакам аҳвол билан танишуви ўн йиллар давомида йиғилиб қолган қатор муаммоларни бартараф этиш бўйича катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январь куни қабул қилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Давлат дастурида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларни вилоят аҳли чуқур қониқиш билан кутиб олди. Ушбу ҳужжатда анчадан бери тўпланиб қолган қатор масалалар ечими ўз ифодасини топган. Хусусан, кўпчиликни ўйлантириб келган прописка ва паспорт тизимини соддалаштириш йўлидаги ислоҳотлар самарасида вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд яшаш жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ бекор қилинди.

Маълумки, бирон бир вилоятдан келиб ишлаётган мутахассис ҳар олти ойда яшаш жойидан қайта рўйхатдан ўтиши кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқараётган эди. Ҳолбуки, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг республика ҳудудида эркин кўчиб юриш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган ва бу инсон ҳуқуқларига оид нуфузли халқаро ҳужжатларга мос қоида. Бироқ, шу пайтгача ушбу норма ҳаётга тўла жорий этилмай келмоқда эди. Энди эса фуқароларга ўзи яшаб турган ҳудуд қаердалигидан қатъи назар, юртимизнинг исталган жойи, хусусан, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида бирон бир чекловларсиз ишга жойлашиш имкони яратилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб келаётган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги ҳам бекор қилинди. Энди иш берувчилар ҳеч бир хавотирсиз ўзларига керакли мутахассисларни бемалол ишга қабул қила оладилар. Айни пайтда, ушбу янгиликнинг ижтимоий аҳамияти ҳам муҳим эканлигига эътибор қаратиш зарур. Чунки, бугунги кунда бутун республикамиз, хусусан, Тошкент вилояти ҳудудини катта қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин. Прописка ва паспорт тизимининг соддалаштирилиши бундан буён турли соҳаларда, айниқса, қурилиш майдонларида ишлаш учун кўплаб мутахассисларни жалб этишга йўл очади.

Шу билан бирга, Давлат дастурида прописка ва паспорт тизимини соддалаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиб, унга кўра доимий пропискага эга бўлмаган фуқаролар Тошкентда ва пойтахт вилоятида иккиламчи бозордан кўчмас мулк олиши мумкин. Шу тариқа бир неча ўн йилликлар давомида ҳал бўлмай келаётган ва фуқароларнинг ўз қобилиятларини ишга солишида тўсиқ бўлиб турган муаммо ечимини топаётир.

Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар, жумладан, прописка ва паспорт тизимини соддалаштиришга оид ишларни амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий асос ишлаб чиқилиши керак. Шу боисдан ҳам Дастурда 37 қонун ва 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши назарда тутилган бўлиб, улар, ўз навбатида, мамлакатимизнинг жорий йилда самарали ривожланишининг ишончли ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилиши аниқ.

**Мавлуда АХМЕДШАЕВА,**
**Тошкент давлат юридик университети профессори**

Тадбиркорликка кенг йўл

*Ўрта Чирчиқ тумани, "Тошлоқ" маҳалласида истиқомат қилувчи Фазилат Пардабоева онасидан опа-сингиллари қатори чеварликни ўрганди. Волидаи муҳтарамаси Шарофат она қўли гул чевар бўлиб, маҳалладошлари дуосини олган. У киши қавиган кўрпаю кўрпачалар ўзининг нафислиги ва пишиқлиги билан ажралиб турган.*

# АЁЛГА ЧЕВАРЛИК ФАЗИЛАТ



Фазилатхон турмушга чиққач, қайнонаси Ойша онадан рўзғор тутишдан тортиб, тадбиркорлик бўйича кўп нарса ўрганди. Ф. Пардабоева фаолиятини кичик тадбиркорликдан бошлади. Аввалига мўъжазгина цех очиб, тикувчилик йўналиши бўйича иш олиб борди. Ҳозир маҳалласидаги 5 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган.

Фазилатхоннинг кичик корхонасида аёллар кийими, айниқса, қизлар учун бежирим кўйлаклар тикилади.

– Тадбиркорлик кишидан тинимсиз изланишни талаб этади. Юртимизда 2018 йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб номланиши биз, тадбиркорларни жуда хурсанд қилиб юборди, – дейди Фазилатхон Пардабоева. – Мен келгусида чет давлатлардан замонавий ускуналар сотиб олиб, ишлаб чиқаришни инновация асосида ривожлантириш йўлларини излаяпман. Аммо, жой масаласи муаммо бўлиб турибди. Бу масала бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат этганман.

Шу куни изланувчан тадбиркор Фазилатхон Пардабоева келажакдаги режаларини завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берди. Биз иш ўринларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга эришиш, замонавий сервис хизматларини ташкил этиш... яна қанча янги лойиҳаларни амалга оширишни ният қилаётган тадбиркор аёлга барча орзулари амалга ошишини тилаб қолдик.

**Анора ЖУМАДУЛЛО қизи**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.*


Реклама ва эълонлар

## Диққат! Диққат! Диққат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокаралар (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.**

| № | Давлат объекти номи | Бинонинг умумий майдони (кв.м.) | Умумий ер майдони (Га) | Объект манзили | Балансда сақловчи | Объектнинг бошланғич нархи (сўм) | Савдо куни 2018 йил 13 февраль соат 11.00 да* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Объектнинг сотиш қиймати (сўмда) |
| 1 | "Агромир-Ғазалкент" МЧЖ ҚКнинг дам олиш маскани | 229,06 | 1,0 | Бўстонлиқ тумани, Чимбойлиқ ҚФЙ ҳудуди | Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги | 1 500 000 000,0 | 1 500 000 000,0 |

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи сотиш нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг: Ғазначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, ИНН 200 555 539; Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲККМ ҳ/р: 23402000300100001010, ИНН 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларида қатнашишга буюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

* – Оммавий оферта савдолари ўтказишнинг дастлабки куни 2018 йил 13 март ва офертанинг ҳар 15 кунда бир маротаба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 2018 йил 28 март, 13 апрель, 30 апрель, 15 май, 30 май, 15 июнь ва 2 июль кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Бунда, биринчи офертани ўтказишда таклиф этиладиган сотиш нархи объектни оммавий савдоларга қўйишдаги дастлабки бошланғич нархда, кейинги оферта범ларни ўтказишда (савдоларда сотилмаган тақдирда) – нархи босқичма-босқич ҳар 15 кунда 10 фоизга пасайтирилади, лекин, бу дастлабки аукцион (танлов)га қўйилган нархнинг 50 фоизидан паст бўлмайди ҳамда савдога қўйиш нархи дастлабки савдога қўйиш нархининг 50 фоизигача пасайтирилгандан кейин 1 (бир) ой муддат туради.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги (ёпиқ танлов тўғрисидаги) хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– нодавлат юридик шахслар учун – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– бизнес-режа муҳрланган конвертда, шунингдек, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифлари (таклиф қилинган сотиб олиш тўловлари суммаси ва уни тўлаш муддатлари, таклиф қилинаётган инвестиция мажбуриятлари суммаси, унинг шакли, муддати ва киритиш шарти) билан.

– оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бошланғич тўлов пули сифатида тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Мурожаат учун манзил:** 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.
**Маълумот учун телефонлар:** (0-371) 230-41-73, 230-41-70.
E-mail: tashreg@gki.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz,www.gkitorg.uz.

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!** Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг **(0-371) 259-21-37** ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг **(0-371) 230-41-81** рақамли **Ишонч телефонлари**га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

***Савдоларга марҳамат қилинг!***

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини 2017 йил учун қуйидаги:

– 5-ta'lim (MTT) shakli ва 5-tibbiyot shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2018 йил 12 февралдан кечиктирмай;

– 1-savdo shakli, 2-invest shakli, 1-transport shakli, 2-AKT shakli, 2-xizmat shakli, 6-kom shakli, 5-kom shakli, 8-kom shakli, 7-transport shakli ва 7–madaniyat shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2018 йил 15 февралдан кечиктирмай;

– 1-EKO shakli, 4-energo shakli, 5-energo shakli, 1-sanoat shakli, 6-energo shakli, 2-qurilish shakli, 1-QX shakli, 1-FX shakli, 2-EKO shakli, 1-O'X shakli, 1-OX shakli, 2-turizm shakli ва 1-notijorat shakli йиллик давлат статистика ҳисоботини

2018 йил 16 февралдан кечиктирмай;

– 2-energo shakli йиллик давлат статистика ҳисоботини 2018 йил 23 февралдан кечиктирмасдан электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали топширишингиз юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2017 йил учун юқоридаги давлат статистика ҳисоботини тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати бошқарманинг www.toshvilstat.uz расмий веб сайтига жойлаштирилган.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр рақами 005759-04) 26.05.2010 йилда берилган ва 26.10.2017 йилда қайта рўйхатдан ўтган "PROMMASH SERVIS" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 207080144) таъсисчилар "UZPROMMASHIMPEKS" ва "O'ZSANOATEKSPORT" акционерлик жамиятлари бошқарувининг 2018 йил 1 февралдаги 1-сонли баённомасига мувофиқ ўз фаолиятини ихтиёрий тугатади.

Дебитор ва кредитор қарздорликлар бўйича мурожаатлар эълон чиққан санадан бошлаб 2 (икки) ой муддат давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107- уй.

## Ғазал соғинчи



### Эй кўнгул, дей кўзга бу дамким...

Борсанг ол жонимни,
то сенсиз манга
жон қолмасун,
Жон қолиб, жон ичра ногаҳ
доғи ҳижрон қолмасун.

Чун ўлармен — чин дейин,
ишқи бузуғ кўнглумдадур,
Мен ўлуб, ул ганж бу вайронда
пинҳон қолмасун.

Эй кўнгул, дей кўзга бу дамким,
тирикмен, келса ёр,
Оразидин баҳра олсун, асру
ҳайрон қолмасун.

Ҳажрида онча бало еткур манга,
эй чархким,
Ўзгалар ишқин ҳавас қилмоққа
имкон қолмасун.

Муждаи васлин тилаб, эйким,
кўнгулдин ҳажр ўқин
Тортасен,- ваҳ, онча воқиф бўлки,
пайкон қолмасун.

Даҳр аро андоқ маош этгилки,
сендин қолмаса
Тоат андоққим, керактур
бори исён қолмасун.

Эй Навоий, собит ўлсун шоҳ Ғозий
давлати,
Оллида қул бўлмаған оламда
султон қолмасун.

## Бир рубоий ҳайрати

**Буюк бобокалонимиз Ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги рубоийсини шахмат усулида ўқиб кўринг, завқланинг ва шеърият мулкининг султони, тасаввуф илмининг пири комилига шону шарафлар айтинг!**

**Қаранг, тўртлик вертикал ва горизонтал ҳолатда ўқилса ҳам маъноси ҳамда сўзлари бир хилдир:**

Дилбар эрур тенгсиз жаҳонда
Эрур анга ҳамма хуштору банда
Тенгсиз хуштору шайдоси манам
Жаҳонда банда манам анга.

Маънавият

# ДЎППИ КИЙДИМ, ИПАКЛАРИ ИБОДАН

*... Шу кунларда вилоятимиз мактаблари, коллеж, лицейларига борсангиз, дўпписи ярашган қизларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Тўғри, замонавийликни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, глобаллашув жараёни ҳаётимизга кўпгина қулайликлар билан бирга, энг муқаддас туйғуларимизни унутишга, қадриятларимизга беписандлик билан қарашга мажбур этаётганидан кўз юмиб ҳам бўлмайди.*

Хар куни ўқишга сочларини ёйиб, ажабтовур бир ҳолатда чиқиб кетадиган Сарвиноз бугун нимагадир безовта, ўзича нималанидир қидириб топмаганидан бетоқатланиб, онасига юзланди:

– Ойижон, ўтган йили Наврўзда менга дўппи совға қилгандингиз-а?!

– Ҳа, қизим, нима эди? – сўради Ойниса ҳайрон бўлиб. – Уни холанг сўраганди. Ноила мактабидаги тадбирга киймоқчи экан...

– Вой, энди нима қиламан, ахир мен ҳам бугундан бошлаб дўппи киймоқчи эдим. Ўқитувчиларимиз тайинлашувди. Энди уни ҳар куни форма сифатида кийишга келишувдик. Биринчи бўлиб, мен қўл кўтарувдим: "Дўппим бор", деб.

– Шунга шунчами, қизим? Хавотирланиб кетдим-а, яна нима керак экан, деб. Шу бугуноқ дўппингни олиб келамиз. Ҳозирча шундай борақол, қизим, қара сочингни ҳам чиройли қилиб турмаклабсан, бўлар экан-ку, э, барака топсин-эй, ўқитувчиларинг...

Эртаси куни Сарвиноз мактабига гул-гул очилиб, яшнаб борди: "Атиргулли ироқи дўпписи бирам ярашибди-ей", ўзича мамнун жилмайди она.

Синфдош дугоналар ҳаммаси бир хил: таги оқ, устида қип-қизил атиргуллари бор дўппи кийишибди. Мактаб директори уларни алқаб: "Ҳаммага ўрнак бўлсин!" деди...

Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда вилоятимиз мактаблари, коллеж, лицейларига борсангиз, дўпписи ярашган қизларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Тўғри, замонавийликни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, глобаллашув жараёни ҳаётимизга кўпгина қулайликлар билан бирга, энг муқаддас туйғуларимизни унутишга, қадриятларимизга беписандлик билан қарашга мажбур этаётганидан кўз юмиб ҳам бўлмайди. Айниқса, "оммавий маданият"нинг зарарли кўринишлари маънавиятимизга дахл қилиб, кўнгил ойнасини хиралаштираётгани бор гап. Бу иллатлар авж олмасдан уларга қарши курашиш керак. Шу маънода, аввало, Юртбошимиз, қолаверса, республика Хотин-қизлар қўмитасининг таклиф ва тавсиялари асосида вилоятимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий чора-тадбирлар бесамар кетмаётгани қувонарли.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан халқ таълими бошқармаси, "Маҳалла", "Нуроний" фондлари ва Ёшлар иттифоқи кенгаши ҳамкорлигида миллий қадриятларимизни улуғлаш, либосларимизни қадрлаш, ўзлигимизни унутмаслик мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли таъкидлаганимиздек, ўқувчи-қизларимизнинг нафақат ташқи кўриниши, балки ички дунёси, маънавий оламида ўсиш, юксалиш сезилмоқда. Яқинда "Дўрмон" маданият саройида ўтказилган тадбирда иштирок этган ёшлар билан суҳбатлашар эканмиз, бунга янада ишонч ҳосил қилдик. Замонавий соч турмагига ярашиб тушган дўппилар қизларнинг чеҳрасини ҳаё, ибо нурларига чулғаган.

– Миллий либосларимизни жуда яхши кўраман, – дейди вилоят педагогика касб-ҳунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Фазилат Мираҳмедова. – Айниқса, дўппи кийишни. Ҳар куни дўппи кийиб, ўқишга



кетаётганимда онажоним хурсанд бўлиб: "Бир ҳуснингга ўн ҳусн қўшилибди-я, қизим", дея алқаб қўядилар.

– Мен ҳам дўппимни кийганимда ота-онамнинг миннатдор нигоҳларини ҳис этиб яйраб кетаман, – дейди Нодирахон Маҳмудова. – Баъзан кўча-кўйда сочларини ёйиб юрган тенгдошларимни кўрганда ўз-ўзимдан уялиб кетаман. Сочни ёйиб юриш одобдан эмас, ахир...

Қибрай тумани 4-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Умида Раҳимова ҳам ўқувчи-қизларнинг сочларини чиройли ўриб, турмаклаб, дўппи кийиб юришлари ўқитувчиларга ҳам маъқул бўлаётгани, бундан, айниқса, ота-оналар хурсанд эканликларини қувониб сўзлайди.

– Баъзилар миллий либос кийганларни замондан орқада қолганликда айблашади, – дейди 10-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Дилноза Ниғматуллаева. – Лекин, энг замонавий либослар ихтирочиси бўлган француз, корейс, японлар ҳам миллий либосларимизни севиб кийиб юришгани, дўппиларимизни совғага сотиб олишаётганини кўрганман. Демак, ота-боболаримиз, момоларимизнинг диди ҳам чакки бўлмаган. Энди уларга замонавий кўриниш бериб тикилса, ҳар қандай мода ишқибози бажонидил кийиши аниқ... Агар биз ўқитувчиларга ҳам дўппи кийиб юриш тавсия этилса, иккиланмаган бўлардик. Ахир, бу сочни ҳар хил рангга бўяб, юз алфозга солгандан кўра яхши эмасми? Тўғри, ҳар бир тадбир, йиғилишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш керак...

– Менга ҳам дўппи кийган қизлар ёқади, – дейди чирчиқлик лицей ўқувчиси Шаҳзод Раҳмиддинов. – Яъни, миллий қадриятларимизга ҳурматим баланд. Фақат мен ўқиётган Ўзбекистон Республикаси ИИВ қошидаги академик лицейда махсус форма кийилади. Ўзим вилоят ёшлар кенгашининг спорт ва ҳарбий ватанпарварлик йўналиши бўйича ёшлар сардориман. Инсонни ташқи кўринишига қараб, ички олами, дунёқарашини билиб олиш мумкин. Мен ўз формамни жуда яхши кўраман. Уни кийганимда қалбимни фахру ифтихор туйғулари қамраб олади. Лекин, миллий либосларимиз халқимизнинг миллий ўзлиги, қадрияти, маънавиятини англатиб туришини ҳам биламан. Шу ўринда яна бир фикримни айтмоқчиман. Нима учун одамлар тарихий кинофильмларни севиб томоша қилишади? Ҳинд, корейс, япон, турк киноларидаги миллий либослар алоҳида эътибор, чуқур билим, меҳр-муҳаббат билан тайёрланган. Аслида ҳам ҳар бир халқ миллий ўзлиги, тарихига бўлган муносабатига қараб ҳурмат, эътиборга сазовор бўлади. Демак, миллий қадриятларимизни унутмасак, халқимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада юқори бўлади, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу қадриятларга беписандлик охир-оқибатда манқуртлик иллатига гирифтор этишини ёшларга тушунтириш биз – катталарнинг вазифамиздир. Лекин, ҳар қандай масалада бир ёқламалик, кўр-кўрона тақлидчилик маънавият, маданият мезонига путур етказишини ҳам унутмаслик зарур.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат*

Китобхонлик

# БУЮК МЎЪЖИЗА

*Мутолаа – улуғ инсоний фазилатларга, маънавиятга йўлловчи зиё, ҳаётбахш нур.*

*Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ.*

Республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, вилоятимизда ҳам китобхонликни ривожлантириш мақсадида турли учрашув, давра суҳбатлари, китоб савдолари ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактабида "Китоб – мўъжизага чорлайди" шиори остида ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва прокуратура ходимлари ташаббуси билан ташкил этилган китобхонлик байрамида тумандаги бир қатор мактаблар ўқувчи ва ўқитувчилари, маҳаллалар фаоллари, ота-оналар иштирок этди. Ихтисослашган савдо уйи томонидан тақдим этилган илмий, адабий-бадиий адабиётлар етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча ихлосмандлар эътиборини тортди, ҳар ким ўзи қизиққан китобларини харид қилди, энг намунали китобхон оилаларга ҳомийлар томонидан қизиқарли рисолалар совға қилинди. Шунингдек, тумандаги 13-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда ўсмирлар ижодиёт маркази ўқувчилари тайёрлаган концерт дастури байрам иштирокчиларига завқ-шавқ бағишлади.

**С. ЭШМАТОВА**

Жиноятга жазо муқаррар

*Ҳақбердиева Шаҳноза Ҳамроқуловна 1981 йил 30 июлда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор. У айни бир оиланинг бекаси, вафодор рафиқа, меҳрибон она деб ўйлаётгандирсиз. Афсуски, ундай эмас...*

# ҲАЁСИЗЛИК ХЎРЛИК КЕЛТИРАДИ

Шаҳноза Ҳақбердиева Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "б, е, з" бандлари билан айбли, деб топилди ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Одам савдоси. Бу инсон шаънига тажовуз дегани. Бундай жиноятни аёл киши содир этса-чи...

Хуллас, судда Шаҳноза Ҳақбердиева ўзига эълон қилинган айбга иқрор эмаслигини айтиб, "Холам Дилфуза билан Туркиянинг Истамбул шаҳрига борганман, уч кун иш қидириб, туркларнинг уйида хизматкорлик қилдим, кейинчалик дўконга жойлашдим, тилни яхши билмаганим учун ишдан бўшадим. Бир куни туркиялик Адил Кушру билан танишиб қолдим. Биз оила қурдик", деди.

Ё, алҳазар! Наҳот аёл аталмиш нозик хилқат ўз қадр-қимматини, шаъни, орномусини ўйламаса. Ўзга юртга бориб танимаган, билмаган одамига турмушга чиқиш учун қанчалар калтабин бўлиш керак? Ахир, унинг оиласи, гулдек фарзанди бор-ку. "Туркиядан келган дугонам Элмирага қўнғироқ қилиб гаплашдим. У меникига меҳмонга келди. Иш йўқлигидан нолиб: "Фоҳишалик қилаяпман", деди. Мен унга шу ишини Туркияда қилса яхшироқ ҳақ олишини айтдим. Рози бўлди, бироқ йўл харажати учун пулим йўқ деганди, барини ўзим қоплайман, дедим.

Буни қаранг, барча харажатларни ўзи тўлаб, олиб кетармиш. Хўш, бундан Шаҳнозахонга бирор наф борми? Ёки у ёрдамга муҳтожларга холис хизмат қилувчи ҳожатбарормиди?

– У ерда уй ишлари билан шуғуллансам қанча тўлашади-ю, фоҳиша бўлсам қанча оламан, – деди Элмира Шаҳнозага.

– Танишим Фериддан билиб бераман, – жавоб қайтарди Шаҳноза.

Хуллас, енгил-елпи ҳаёт учун уй ишлари каби "чўрилик"дан анча мўмай пул топиши мумкинлигини билган жувон, орадан бир неча кун ўтгач, Шаҳнозага қўнғироқ қилиб, дугонаси Ҳилола ҳам улар билан боришни истаётганини айтди. Ҳилолага ота-онаси рухсат бермагач, ўрнига жияни Дилрабо борадиган бўлди. Бу орада Элмиранинг қўшниси Сайёра опа қизи Гавҳар ҳам Туркияга ишлаш учун боришни хоҳлаётганини айтиб қолди. Шундай қилиб, тўртовлон йўлга отланишди. Шаҳноза йўл билетлари-ю, паспорт ва визаларни тўғрилашга киришди. Қизиғи, йўлга чиқиш олдидан бозорга кириб, эркаклар кўнглини овлаш учун турли кийимлару пардоз анжомларини олишга ҳам улгуришди.

Афсуски, уларнинг ниятлари амалга ошмай қолди. Улар тегишли ташкилотлар томонидан қўлга олинди.

**Илмира ЛАЗИЗОВА**

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт Спорт/Спорт

# ТЕҲРОНДАГИ ҒАЛАБА

*Эрон пойтахти Теҳрон шаҳри мезбонлик қилган енгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотлардаги Осиё чемпионатида Александра Юркевская кўпкураш бўйича жами 3858 очко жамғариб, кумуш медалга сазовор бўлди.*

Истеъдодли спортчимиз ўтган йили "Баркамол авлод" ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, вилоятимиз терма жамоаси ҳисобига олтин медаль қўшган эди. Александра нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

– Осиё чемпионатида шоҳсупага кўтарилганимдан мамнунман, – дейди А. Юркевская. – Мавсум энди бошланди. Ҳали олдинда нуфузли мусобақалар кўп. Устозларим ва мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Асосий мақсадим – Олимпия ўйинларида ҳам маҳоратимни намойиш этиш.

Теҳрондаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Надия Дусанова баландликка сакраш бўйича 1,87 метр кўрсаткич билан чемпион бўлди. Елена Смольянова эса ядро улоқтириш мусобақаларида энг яхши натижа – 15,54 метр кўрсаткич билан биринчи ўринни эгаллади.




Кун ҳазили

## Виртуал никоҳ

Толиби илм устози пири комилдан сўради:

– Устоз, агар ошиқ ўзининг маъшуқасига телефоннинг телеграмхонасидан, анга ўзини бағишлашини сўраб, уч марта ёзсаю, ожиза анинг ёзувиға жавоб қилиб розилиғини битса – никоҳ ҳосил бўлурму?

Пири комил жавоб қилди:

– Агар заифа ҳам ўнлайн режимда турғон эрса, ҳосил бўлур, зероким, мегобайтнинг пули маҳр ўрниға ҳам ўтур...

# ХУДОЙНАЗАР КУБАДА РИНГГА ЧИҚАДИ

*Бокс бўйича "Uzbek Tigers" жамоаси Бутунжаҳон бокс сериялари (WSB) VIII мавсумидаги илк учрашувини сафарда – мусобақанинг амалдаги чемпиони "Cuba Domadores" боксчиларига қарши ўтказади.*



Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан "Uzbek Tigers" жамоасига жалб этилган энг маҳоратли боксчилар орасидан вилоятимиз вакили Худойназар Файзов ҳам ўрин олди. Иқтидорли спортчимиз ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон чемпионатидаги ғалабасидан сўнг мухлису мутахассислар эътиборига тушди. Яқинда Ҳиндистондаги халқаро турнирда зафар қучган Худойназар халқаро миқёсда ҳам юқори салоҳиятга эга эканини исботлади ва энг кучли чарм қўлқоп усталари сафида Бутунжаҳон бокс серияларида қатнашадиган бўлди.

Шунингдек, Кубага йўл олган жамоамиз таркибидан Шунқор Абдурасулов, Маҳмуд Ғоипов, Мадиёр Саидраҳимов ва Баҳодир Жалолов ҳам жой олган.

"Cuba Domadores" ва "Uzbek Tigers" ўртасидаги дастлабки учрашув 9-10 февраль кунлари бўлиб ўтади. Жавоб учрашуви 27 февраль куни Термиз шаҳрида ташкил этилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шарҳнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-1037. Адади 18 012. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.00.